

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2020 йил август ойининг 26 куни, жиноят ишлари бўйича Улуғнор туман суди ўз биносидан, видеоконференцалоқа воситасидан фойдаланган ҳолда очиқ суд мажлисида, туман судининг раиси Ш.Назировнинг раислигида, судья ёрдамчиси Х.Иминовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Улуғнор туман прокурорининг ёрдамчиси У.Шамсидинов, судланувчи Д.Отахонов ва унинг ҳимоячиси О.Абдурахмонов, жабрланувчи И.Каримовларнинг иштирокида, Отахонов Дилмурод Маматисаевичга нисбатан 1-1713-2001/18-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Отахонов Дилмурод Маматисаевич (Otaxonov Dilmurod Mamatisayevich), 1983 йил 4 сентябрда Асака туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Асака тумани “Жамшидбек олтин даласи” фермер хўжалиги раиси, Асака тумани, Юқорибўз МФЙ, Тол кўчаси, 160-уйда яшаган, 2020 йил 24 июнда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2020 йил 10 августда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисми ва 28,211-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И

Судланувчи Д.Отахонов Асака тумани “Шарқ ҳақиқати” массивида норасмий раҳбар сифатида ишлаб келгани ҳолда Асака тумани “Арслонбек агро замини” фермер хўжалиги иш юритувчиси фуқаро И.Каримов томонидан массивдаги “Бўзариқ агро замини” ҳамда “Бобур” массивидаги “Саддамбек ишончи” фермер хўжаликларида кўрсатилган техника хизмати учун мазкур фермер хўжаликлари томонидан берилиши керак бўлган 20 тонна буғдойни туман дон қабул қилиш шохобчасига топширтмасдан, яшаш хонадонига давлат органларининг ҳеч қандай тўсиқларисиз олиб келиши эвазига туман ИИБ ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган раҳбарларига 5.000.000 сўм бериши лозимлигини айтиб, И.Каримовни алдаб, унинг ишончини суистеъмол қилиб, пора беришга далолат қилиб, 2020 йил 18 июнда ундан алдов йўли билан талаб қилинган 5.000.000 сўмнинг 500.000 сўмини қўлга киритиб, 2020 йил 19 июнда қолган 4.500.000 сўмини М.Мирзакаримов орқали олган вақтда ДХХ ва Департаментнинг Андижон вилояти бошқармаси ходимлари томонидан ушланганлиги сабабли, жиноий



ҳаракатларини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда охирига етказолмай, фарибгарлик жиноятини содир қилишга суиқасд қилган.

Судланувчи Д.Отахонов суд мажлисида айбига қисман иқрорлик билдириб, 2020 йил апрель ойининг ўрталарида тумандаги “Шарқ ҳақиқати” массивининг раиси этиб тайинланганлигини, 2020 йил 16 июнда туман ҳокими томонидан массивга ғалла ўримига вакил сифатида бириктирган туман ирригация бўлими бошлиғи А.Абдуразақов билан бирга массивда ўрим бўлаётган фермер хўжаликларини айланиб юргани, шу куни тушликдан сўнг соат тахминан 16:00ларда унга фермер хўжалиги ишчиси М.Мирзакаримов телефон қилиб, Юқорибўз маҳалласида айланма йўл олдида қурилган намунавий уй олдида бир машина буғдой тўкиб қўйганини айтганидан сўнг, у А.Абдуразақов билан бирга айтилган манзилга борганида ҳақиқатдан ҳам тахминан 4 тонна буғдой И.Каримовни уйи олдида тўкилганини кўргани, шундан сўнг у ушбу ҳолатни уяли телефонида видеога олгани, шериги А.Абдуразақов туман ИИБ ходими “Нодир”га телефон қилгани, шундан сўнг улар Меҳнатобод маҳалласига чиқиб кетгани, ИИБ ходимлари И.Каримовни яшаш уйига келган-келмаганлигини билмаслигини, эртаси куни соат 10:00 ларда таниши Ш.Мелибоев кўнғироқ қилиб кўришиб олиш таклифига рози бўлиб Юқори бўз МФЙ худудидаги айланма йўл ёнида Ш.Мелибоев ва И.Каримовлар билан кўришгани, шунда Ш.Мелибоев И.Каримовни кўрсатиб, “Бўзарик агро замин” фермер хўжалигидан йигирма тонна дон ҳақи борлигини, ҳақини олишини айтганида, у Ш.Мелибоевга “Бўзарик агро замин” фермер хўжалиги аввал ўзининг режасини бажариб олиши, шундан кейин буғдойни олиши мумкинлигини айтгани, Ш.Мелибоев унга И.Каримовга ёрдам қилса ўз навбатида И.Каримов ҳам ўзига ёрдам қилишини айтгани, Д.Отахонов И.Каримовни қандай ёрдам қилиши мумкин деб сўрагани, Ш.Мелибоев И.Каримовни икки тонна буғдой пулини яъни 5.000.000 сўм бериши мумкинлигини айтганида у рози бўлгани, фермер хўжалиги режасини бажариб бўлганидан сўнг, И.Каримов контейнерига буғдой тўкиб олиши мумкинлиги, шу куни соат 17:00ларда И.Каримов билан яна кўришиб хизматни қилиб қўйишини, ғалла тўккан видеосини ўзининг уяли телефони ва туман ҳокимлигида ишловчи “Ғайратбек” телефонида ҳам ўчириб юборгани, “Бўзарик агро замин” фермер хўжалиги тўлган бўлса 5.000.000 сўмни бериб буғдойни тўкиши мумкинлигини, 2020 йил 18 июнда И.Каримов 500.000 сўм пул бериб, қолган 4.500.000 сўмни эртаси куни соат 20:00га беришини айтгани, шундан сўнг йиғилишга кетгани, 2020 йил 19 июнь соат 19:30ларда ишчиси М.Мирзакаримовни И.Каримов яшаш уйига бориб ундан 4.500.000 сўм пул олиб келишини айтиб жўнатганини, М.Мирзакаримовни пулга жўнатаётганида, у қандай пулга кетаётгани, бу пуллар нима учун берилаётганини билмаслиги, М.Мирзакаримовни И.Каримов билан бўлган ҳолатдан хабари бўлмагани, орадан бир оз вақт ўтганидан сўнг М.Мирзакаримов кўнғироқ қилиб, И.Каримов билан кўришиб айтилган 4.500.000 сўм пулларни олганини айтганида, М.Мирзакаримовга пулларни боғга олиб чиқиб қоровул Мухтор акага бериб қўйишлигини, кейин ўзи олишини айтгани М.Мирзакаримов уни кутиб туришини айтгани,



шундан сўнг у боғга пулни олиш учун келган вақтда Департаментнинг вилоят бошқармаси ва ДХХ ходимлари томонидан ушлангани, лекин И.Каримовга ушбу 5.000.000 сўм пулларни ИИБ ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган раҳбарларига бериши ҳақида айтмагани, ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун зарур бўлганлиги сабабли сўраганини кўрсатиб, қилмишидан пушаймонлигини, қарамоғидаги турмуш ўртоғи ва уч нафар вояга етмаган фарзандларининг ягона боқувчиси ҳисобланишини инобатга олган ҳолда энгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Жабрланувчи И.Каримов суд мажлисида, 2019 йилнинг куз ойларида Асака туманидаги “Бобур” массивидаги “Саддамбек ишончи” фермер хўжалиги ва “Шарқ ҳақиқати” массивидаги “Бўзариқ агро” фермер хўжаликларига буғдой экиш мавсумида агротехника хизмати кўрсатганлиги, кўрсатилган техника хизматлари учун буғдой ўрими вақтида 20 тонна буғдой олишга келишганлиги, 2020 йил 17 ёки 18 июнь кунлари “Саддамбек ишончи” ва “Бўзариқ агро” фермер хўжаликлари иш юритувчиси Ш.Солиев руҳсати билан контрактация шартномасида кўрсатилган режа тўлиқ бажарилиб, фермер хўжаликлари даромадига қолган буғдойдан кузда кўрсатилган хизмат учун келишилган ҳақ эвазига яшаш уйи олдига буғдой тўктирганида қўшниси “Азизбек” унга телефон қилиб, Кобалт русумли автомашинада 2-3 нафар шахслар келиб, уйи олдига тўкилган буғдойни телефон аппаратида видеога олиб кетганини айтгани, сўнг уйига қайтиб келиб, кўчага тўкилган буғдойни қоплаб йиғиштириб юборгани, кейинчалик билса видеога Д.Отахонов олиб кетгани, эртаси куни Д.Отахоновни топиб унга тўкилган буғдой 2019 йилнинг кузида кўрсатилган техник хизматлар учун ҳақ эвазига олинган буғдой эканлигини тушунтиргани, Д.Отахонов унга “Шарқ ҳақиқати” массивининг фермерлари томонидан контрактация шартномасига асосан топширилиши белгиланган буғдой тўлиқ топширилмаганлиги учун буғдойни тўкиши мумкин эмаслигини айтгани, И.Каримов Д.Отахоновга ўтган йили ҳам фермер хўжаликларига буғдой экиш мавсумида техника хизмати кўрсатиб, кўрсатилган техника хизмати учун буғдой олганлигини, ҳеч ким эътироз билдирмагани, бу йил ҳам фермерга кўрсатган техника хизмати учун ҳақдорлиги эвазига буғдой олишини, бугун яна буғдой олиб келиб тўкишини, Д.Отахоновга агарда фермерлардан буғдой олмаса, ҳақдорлигини ололмаслигини тушунтирганида, Д.Отахонов унга 5.000.000 сўм пул беришини талаб қилгани, берилган пул билан Д.Отахонов ички ишлар ва бошқа орган ходимларини оғзини беркитиб қўйишини шундан кейин у бемалол буғдойни олиб келиб тўкиши мумкинлигини айтгани, Д.Отахоновга 5.000.000 сўм пул маблағи бера олмаслигини тушунтирганида Д.Отахонов уйига тўкилган барча буғдойларни ички ишларга олиб кетиш билан кўрқитгани, 2020 йил 18 июнда “Саддамбек ишончи” фермер хўжалигидан “ЗИЛ” автомашинасида 5 тонна буғдой олиб келиб, яшаш хонадони олдига тўкканида Д.Отахонов унга кўнғироқ қилиб, нима сабабдан пул бермасдан туриб яна буғдой тўкиб олганлигини сўрагани, яшаш уйига келиб ҳам пул талаб қилгани, шунда Д.Отахоновнинг ноқонуний ҳаракатларига чек қўйиш



учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга ариза билан мурожаат қилишга аҳд қилгани, ёнида бўлган 500.000 сўмни бериб туришини, талаб қилган пулнинг қолган қисмини кейин беришини айтганида Д.Отахонов ҳеч бўлмаганда 100 АҚШ доллари топиб беришини талаб қилганида бошқа пули йўқлигини билдиргани, эртаси куни Д.Отахоновни ноқонуний ҳаракатларига нисбатан қонуний чора кўриб беришларини сўраб ДХХ Андижон вилоят бошқармаси бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилгани, аризаси бўйича ДХХ Андижон вилоят бошқармаси ҳамда Департаментнинг вилоят бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда тезкор тадбир ўтказилиб, тадбирда унга овоз ёзиш мосламаси ҳамда 4.500.000 сўм пулларга холислар иштирокида кимёвий ишлов берилиб тақдим қилингани, 2020 йил 19 июн соат 19-30ларда Д.Отахонов унга телефон қилиб, яшаш хонадонига борган одамдан пулни бериб юборишини айтгани, И.Каримов Д.Отахоновга пулларни олиб кетиш учун ўзи келишини сўраганида, Д.Отахонов шу ўртадалигини, пулни борган одамдан бериб юборишини айтганидан сўнг у пулни Д.Отахонов жўнатган М.Мирзакаримовга бериб, санаб олишини айтгани, М.Мирзакаримов пулни санаётган вақтда ДХХ ва Департаментнинг тезкор ходимлари томонидан ушланиб, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилгани, ҳозирда судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ М.Мирзакаримов суд мажлисида, мавсумий ишчи бўлиб ишлашлиги, ҳақиқатдан ҳам Асака тумани “Шарқ ҳақиқати” массивидаги Д.Отахонов раҳбарлигидаги “Жамшидбек олтин даласи” фермер хўжалигида боғбон ва чорва хайвонларини боқиб юришлигини, 2020 йил 19 июнда фермер хўжалигида кунлик ишларни қилиб юрган вақтда тахминан соат 20:00 ларда фермер хўжалиги раҳбари Д.Отахонов ўзининг бошқарувидаги Кобалт русумли автомашинасида келиб унга Асака туман, Юқорибўз МФЙда жойлашган И.Каримовнинг яшаш уйига бориб 4.500.000 сўм олиб келишини, ўзи бошқа фермерлар ерларини айланиб келишини айтгани учун М.Мирзакаримов И.Каримовнинг яшаш уйига бориб Д.Отахонов жўнатганлигини айтганидан сўнг И.Каримов қора рангли пакетга ўралган 4.500.000 сўмни олиб чиқиб санаб олишлигини айтгани, пулларни санаётган вақтда И.Каримов яшаш уйига 3-4 нафар фуқаролар кириб ўзларини ДХХ ва Департамент ходимлари деб таништириб, ундан ким жўнатганлигини сўраганларида, бор ҳолатни айтиб бергани, яъни 4.500.000 сўмни Д.Отахоновга олиб бориб бериши кераклиги ва бу пуллар нима учун И.Каримов Д.Отахоновга бераётганини билмаслиги, шундан сўнг тезкор тадбирни давом эттириш учун унинг розилиги олиниб, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилгани, тадбир иштрокчилари билан бирга фермер хўжалигига қарашли дала шийпонига белгиланган 4.500.000 сўмни Д.Отахоновга бериш учун борганларида, Д.Отахонов йўқлиги сабабли унга пулни олиб кетишини айтиш учун телефон қилганида, Д.Отахонов нима учун шийпон атрофи шовқинлигини сўрагани, шу ерда яшовчи фуқаролар юрганини айтгани, Д.Отахонов дала шийпони қоровули “Мухтор” ухлаётган бўлса унинг ёстиғи тагига олиб келган 4.500.000 сўмни қўйиб кетишини айтгани, ўзи келиб ўша ердан олиб кетишини маълум қилгани, бир оздан сўнг Д.Отахонов ўзининг



бошқарувида бўлган оқ рангли давлат рақами 60 Q 325 РА бўлган Кобалт русумли автомашинада келганида ДХХ ва Департаментнинг вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ушлангани, ўзи ва бошқа шахсларга нисбатан тезкор тадбир давомида куч ишлатиш ёки таъзийқ ўтказиш ҳолатлари умуман бўлмагани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Ш.Мунавваров суд мажлисида, 2020 йил 19 июнда ДХХ ва Департаментнинг вилоят бошқармаси ходимлари таклифи билан тезкор тадбирда ҳолис сифатида иштирок этгани, ДХХ Асака шаҳар бўлими биносида фуқаро И.Каримовнинг аризаси билан таништирилганлиги, И.Каримов ўзининг аризасида Асака тумани “Бобур” массивидаги “Саддам ишончи” ва “Шарқ ҳақиқати” массивидаги “Бўзариқ агро замини” фермер хўжаликларига кўрсатган техника хизмати учун олаётган 20 тонна буғдойни яшаш хонадонига ҳеч қандай тўсиқларсиз олиб кетиши учун “Шарқ ҳақиқати” массиви раҳбари Д.Отахонов ариза муаллифидан бошқа шахсларга беришини айтиб 5.000.000 сўм пул маблағи талаб қилаётгани, шундан 500.000 сўмини олгани, қолган 4.500.000 сўмни беришни талаб қилаётганлигини билдириб, унга нисбатан қонуний чора кўришни сўраганини билгани, мазкур ҳолат бўйича тезкор тадбирда Д.Отахоновга бериш учун жами 4.500.000 сўм пулга қимёвий ишлов берилиб, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилгани, пуллар Д.Отахоновга бериш учун баённома орқали ариза муаллифи И.Каримовга берилгани, И.Каримовга Д.Отахонов билан бўлган суҳбатларни ёзиб олиш учун овоз ёзиш мосламаси тақдим қилиниб, ушбу овоз ёзиш мосламаси ишчи ҳолатига келтирилгани, И.Каримовнинг яшаш хонадонига Д.Отахонов юборган М.Мирзакаримов пулни олаётган вақтда ушлангани, М.Мирзакаримовдан ходимлар пул ҳақида сўраганларида пулларни Д.Отахонов буйруғи билан олиб кетиши, унга олиб бориб бериши лозимлиги, қандай пул эканлигидан хабари йўлиги, тезкор тадбир давом эттирилиб пуллар М.Мирзакаримовнинг ўзида қолдирилгани ва пулларни Д.Отахоновга бериши тушунтирилгани, тадбирнинг барча иштирокчилари М.Мирзакаримов билан бирга тумандаги “Жамшидбек олтин даласи” фермер хўжали дала шийпонига борганлари, келишилганидек М.Мирзакаримов Д.Отахоновга телефон орқали пулларни олиб келганини айтгани, Д.Отахонов пулларни дала шийпонига қолдиришини айтгани, шундан сўнг Д.Отахонов ўзининг бошқарувидаги автомашинасида пулни олиб кетиш учун келган вақтда тадбир ўтказаетган ходимлар томонидан ушлангани ва ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилгани, ўтказилган тадбир давомида Д.Отахонов ва бошқаларга нисбатан ҳеч қандай ноқонуний хатти-ҳаракатлар амалга оширилмагани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Ш.Солиев суд мажлисида, Асака тумани “Шарқ ҳақиқати” массивидаги “Бўзариқ агро замини” фермер хўжалигида ва “Бобур” массивидаги “Саддамбек ишончи” фермер хўжалигида иш юритувчи вазифасида ишлаши, хўжаликларнинг барча ишларини ўзи амалга ошириб келиши, Асака тумани Бўзариқ маҳалласида яшовчи И.Каримов 2019 йил куз ойларида ерни шудгор қилиш, теккислаш ва буғдой экиш ишларини ўзининг шахсий техникасида бажарганлиги, кўрсатилган хизматлари учун И.Каримовга келишилган пулларни тўлиқ бера олмаганлиги сабабли буғдой



ўрими вақтида хўжалик режаси бажарилганидан сўнг ортган буғдой билан ҳисоб-китоб қилинишига келишганликлари, 2020 йил июнь ўрталарида режа бажарилгани, 2020 йил 18 июнда эса “Зил” русумли юк машинасида И.Каримов яшаш хонадонига буғдой бериб юборгани, шу орада “Шарқ ҳақиқати” массивининг норасмий раиси Д.Отахонов унга эътироз билдиргани, Д.Отахоновга шартномада кўрсатилган режа тўлиқ бажарилгани учун ўтган йилда кўрсатилган техника хизматларидан бўлган қарзи ҳисобига И.Каримовга буғдой бергани, И.Каримов унга телефон қилиб, оқ рангли “Кобалт” русумли автомашинада яшаш хонадони олдига тўкилган буғдойни видеога олиб кетганлар ҳақида сўрагани, видеога олган одам Д.Отахонов бўлиши мумкинлигини, чунки Д.Отахонов унга жўнатилган буғдой учун эътироз билдиргани, кейинчалик Д.Отахонов И.Каримовдан ноқонуний пул талаб қилиб, пулларни олган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланганини эшитгани ҳақида кўрсатув берди.

Судланувчи Д.Отахоновнинг айби, юқоридагилардан ташқари, И.Каримовнинг аризаси, ишдаги мавжуд ёзма далиллар жумладан пулларга кимёвий ишлов бериш, гувоҳлантириш ҳамда овоз ёзиш мосламасини тақдим қилиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва ашёвий далилларни олиш, овоз ёзиш мосламасини олиш, эшитиб кўриш, ёзувларни дискка кўчириш ва муҳрлаш ҳақидаги баённомалари, суд кимёвий экспертизаси ҳулосаси ва фотожадвал, ашёвий далиллар, суд муҳокамасида эшиттирилган аудио, кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган гувоҳ Ш.Асадуллаевнинг сўроқ баённомаси ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа ишончли ва мақбул далиллар йиғиндиси билан ўз исботини топган.

Суд, Д.Отахоновнинг ҳеч кимни пора беришга далолат қилмаганлиги ҳақидаги кўрсатувларини, дастлабки терговда тўпланган судда қайта текширилган мақбул далиллар мажмуи, жумладан, жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган И.Каримовнинг кўрсатувлари, департаментнинг Асака тумани биносида холислар иштирокида ихтиёрий равишда олинган ва видео тасвирга туширилган Д.Отахоновнинг берган кўрсатмаларида (“Эркин курсатма S2640004” номли видеофайл), И.Каримов томонидан тақдим қилинган ва суд мажлисида эшиттирилган Д.Отахонов ва И.Каримовлар ўртасидаги суҳбатдан ёзиб олинган аудио файл ҳамда бошқа далиллар билан рад қилиб, унинг шу кўрсатувларини жавобгарликдан қутулиш ва жазони енгиллатиш мақсадида атайин ўйлаб топган важлари деб ҳисоблаб, танқидий баҳолайди.

Суд, судланувчи Д.Отахоновнинг жиноий ҳаракатлари квалификация масаласини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи Д.Отахоновни И.Каримов томонидан буғдойни туман дон қабул қилиш шохобчасига топширтмасдан, яшаш хонадонига давлат органларининг ҳеч қандай тўсиқларисиз олиб келиши эвазига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган мутасаддиларига 5.000.000 сўм бериши лозимлигини билдириб, пора беришга далолат қилганликда ифодаланган ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,211-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилган бир вазиятда, И.Каримовни алдаб, унинг ишончини суистеъмол қилиб, 5.000.000 сўм миқдоридagi пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритишга суиқасд қилганликда ифодаланган ҳаракатларини тўғридан-тўғри



Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисми билан квалификация қилиб хатога йўл қўйган деб ҳисоблайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги Қарорининг 7-бандида, мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгалигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайтдан тугалланган деб топилиши, 2004 йил 21 майдаги «Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақидаги»ги Қарорининг 4-бандида, ўзганинг мулкни талон-торож қилиш жинояти мол-мулк мулкдорнинг эгалигидан олинган ҳамда айбдор уни тасарруф этиш ёки ундан ўз хоҳишига кўра фойдаланиш имкониятига эга бўлган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланиши, агар айбдор ўзганинг мол-мулкни қўлга киритган бўлса-ю, бироқ ҳали уни ўз мулки сифатида тасарруф этиш имкониятига эга бўлмаса, қилмиш талон-торож қилишга суиқасд тариқасида квалификация этилмоғи кераклиги, қасд бир бутун мулкни талон-торож қилишга қаратилган бўлиб, унинг муайян бир қисми талон-торож қилинган ҳолларда ҳам жиноят тугалланган ҳисобланмаслиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Дастлабки тергов даврида тўпланган ва судда қайта текширилган мақбул далиллар йиғиндисига кўра, судланувчи Д.Отахонов И.Каримовни алдаб, фирибгарлик йўли билан жами 5.000.000 сўмни қўлга киритмоқчи бўлиб, фаол ҳаракат қилиб дастлаб 2020 йил 18 июнда 500.000 сўмни, қолган 4.500.000 сўмни 2020 йил 19 июнда олган вақтни ўзида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимлар томонидан ушланганлиги, қасди И.Каримовдан 5.000.000 сўмни талон-торож қилиш жинойий ҳаракатларини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда охирига етказолмай, унда фирибгарлик йўли билан қўлга киритилган пул маблағларидан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ва уни тасарруф этиш учун реал имкониятига эга бўлмаганлиги аниқлангани сабабли, судланувчи Д.Отахоновнинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисмидан ЖК 25,168-моддасининг 1-қисмига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Суд, судланувчи Д.Отахонов алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкни қўлга киритишга суиқасд қилиб, фирибгарлик қилганликда ҳамда пора беришга далолат қилганликда ифодаланган жинойий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддасининг 1-қисми ва 28,211-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этган деган тўхтамга келади.

Гарчанд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарори 2-бандида, судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин қўнғилдан пушаймон бўлган, етказилган зиённи қоплаган шахслар ЖКнинг 70,71-моддаларига мувофиқ жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозимлиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган бўлсада, суд,



судланувчи Д.Отахонов томонидан шу турдаги жиноятлар содир этилишини олдини-олиш ва такрор жиноят содир этилишига йўл қўймаслик мақсадида унга нисбатан жазо тайинлашни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Д.Отахоновга жазо тури ва меъерини белгилашда, қилмишидан пушаймонлигини, жиноят оқибатида етказилган моддий зарарлар ўрни тўлиқ қопланганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, жиноятни ғаразли ва бошқа паст ниятларда содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолаб, унга жазо тури ва меъерини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарори 37-бандида кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларига амал қилиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиб келганлигини, қарамоғидаги турмуш ўртоғи ва 3 нафар фарзандларининг ёлғиз боқувчисилигини, жиноят оқибатида етказилган зарарларни ихтиёрий равишда бартараф қилганини, муқаддам судланмаганлигини, жиноят содир этиш мақсади ва усулини, юқорида кўрсатилган ҳолатларни жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб эътироф этиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда жиноятлар мажмуи тариқасида, қонун санкциясида кўрсатилганидан ҳам камроқ озодликни чеклаш ва ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида жиноятлар мажмуи бўйича тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, ЖКнинг 62-моддасига асосан қамокда сақланган кунларини тайинланган жазодан чегиришни, судланувчи Д.Отахоновнинг ғаллачилик-сабзавотчилик фермер хўжалиги кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари бўлиб, хўжалик тадбиркорлик субъекти ҳисобланишини инобатга олиб, унга нисбатан қўшимча тақиқлар юкламасликни ва муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилиш тарздаги қўшимча жазо қўлламасликни лозим деб топади.

Шунингдек суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан, ашёвий далил деб эътироф этилган 4.500.000 сўмни Марказий банк Андижон вилоят бошқармасига топширилганлигини инобатга олишни;

АТБ «Агробанк» АТ Улуғнор филиалида сақланаётган, судланувчи Д.Отахонов томонидан топширилган 500.000 сўмни жабрланувчи И.Каримовга топширишни;

экспертиза текшируви учун олинган намуналарни (суртмаларни) йўқ қилишни;

ашёвий далил “SAMSUNG A 50” русумли уяли телефон апаратини Д.Отахоновга қайтаришни;

4 дона DVD дискларини жиноят ишида қолдиришни;

жабрланувчи И.Каримовни моддий зарар хусусида судланувчи Д.Отахоновга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақидаги аризасини инобатга олиб, етказилган зарарни ундириш масаласини муҳокамадан чиқаришни лозим топади.



Бинобарин, суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 211, 454-457, 462-463, 465-468, 471-473 моддаларига амал қилиб,

#### Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Отахонов Дилмурод Маматисаевич (Otaxonov Dilmurod Mamatisayevich) Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддасининг 1-қисми, 28,211-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилсин.

Д.Отахоновга Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддасининг 1-қисми билан ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ундириш белгиланган ҳолда 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари, 28,211-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддалари қўлланиб, 6 ой озодликни чеклаш, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида жазоларни қисман қўшиш йўли билан сутканинг 22<sup>00</sup>дан 6<sup>00</sup>га қадар яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат 7 ой озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Д.Отахоновга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси бекор қилиниб, Андижон вилояти ИИБ 3-сонли тергов хибсхонасидан қамокдан дарҳол озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан Д.Отахоновнинг 2020 йил 22 июндан 2020 йил 26 августга қадар эҳтиёт чораси тариқасида қамокда сақланган кунлари тайинланган жазодан чегирилиб, ўташ учун 4 ой 26 кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

Жазонинг ўташ муддати ҳукм ижрога қаратилган кундан бошлаб ҳисобланиб, жазо ижросини таъминлаш Асака туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган 4.500.000 сўм маблағларни Марказий банк Андижон вилоят бошқармасига топширилганлиги инobatга олинсин, АТБ «Агробанк» АТ Улуғнор филиалида сақланаётган, судланувчи Д.Отахонов томонидан топширилган 500.000 сўм пуллар жабрланувчи И.Каримовга қайтарилсин, экспертиза текшируви учун олинган намуналар (суртмалар) йўқ қилинсин, “SAMSUNG A 50” русумли уяли телефон аппарати Д.Отахоновга қайтарилсин, 4 дона DVD дисклари жиноят ишида қолдирилсин.

Жабрланувчи И.Каримовни моддий ва маънавий зарарлар хусусида судланувчи Д.Отахоновга даъвоси йўқлиги ҳақидаги аризаси инobatга олиниб, етказилган зарарларни ундириш масаласи муҳокамадан чиқарилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, 10 сутка ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

Ш.Э.Назиров



**Маъсул судья: Назиров Шерзод Эркинжанович**



Хужжат имзоланган: Назиров Шерзод Эркинжанович, 08.08.2020

